

**ХАВО ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯСИДА КУЧЛАНИШНИ ҚАРАМА-ҚАРШИ
УСУЛДА РОСТЛАШ**

Наримонов Баходир Абдусаломович

Жуманов Аббос Набижонович

Энергетика кафедраси асистенти

Жиззах политехника институти

Мўминов Хасан Эркин ўғли

Алмаматов Суннат Мусурмон ўғли

Энергетика кафедраси магистр 2- курса

Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит

(иссиқлик энергетикаси)

Аннотация: Электр энергиясини узатиш ва тақсимлашда электр тармоқлари алоҳида ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини деярли ҳаммаси электр тармоқлари бўйлаб келади. Электр тармоғини асосий вазифаси истеъмолчиларни сифатли электр энергия билан таъминлаш, яъни электр энергияси ишлаб чиқадиган жойдан уни ишлатиладиган жойга узатишдан иборат. [1].

Калит сўзлар: электр энергия, токлар, куват исрофи ошмаслик, бошқариш, кучланиш тушунчалар биритирилган.

Кучланишни қарама-қарши ростлаш билан тўлароқ танишиш учун трансформаторнинг иккита элемент - трансформатор қаршилиги ва идеал трансформатор кўринишида тасвирланган алмаштириш схемасидан фойдаланамиз. 1-расмда қўйидаги белгилашлар қабул қилинган: U_1 - таъминлаш маркази шинасидаги кучланиш; $U_{2\alpha}$ - туман подстанциясининг бирламчи (ЮК) шинасидаги кучланиш;

$U_{2\kappa}$ - туман подстанцияси иккиламчи кучланиш шинаси (ПК)даги кучланиш; U_3 - исьтемолчилардаги кучланиш [2].

Туман подстанцияси ЮК шинасидаги кучланиш:

$$U_{2\alpha} = U_1 - \Delta U_{12}.$$

ЮК ва ПК шиналарида кучланишлар трансформатордаги кучланиш исрофи ΔU_m га фарқ қиласи ва бундан ташқари идеал трансформаторда кучланиш трасформациялаш коэффициентига мос равишда пасайтирилади. Бу пасайтирилиш трансформаторнинг ростловчи шахобчасини танлашда хисобга олиниши лозим.

1 б-расмда иккита ҳолат – энг кичик ва энг катта юклама ҳолатлари учун кучланишнинг ўзгариш графиклари тасвирланган. Бунда ордината ўқи бўйича кучланиш оғишининг номинал кучланишга нисбатан фоизлардаги қийматлари жойлаштирилган [2].

1 б-расмдан кўринадики (штрих чизиқлар), $n_m=1$ бўлганда энг кичик юкламалар ҳолатида исьтемолчилардаги кучланишлар рухсат этилганидан юқори, энг катта юкламалар ҳолатида эса рухсат этилганидан паст (яъни кучланиш оғишилари рухсат этилганидан катта).

Бунда ПК тармоғига уланган қабул қилгичлар (масалан, А ва В нуқталарда) рухсат этилмаган шароитларда ишлайди. $U_{2\kappa}$ ни туман подстанцияси трансформаторининг трансформациялаш коэффициенти K_{mp} ни алмаштириш орқали ўзгартирамиз, яъни кучланишни ростлаймиз (29,б-расмдаги узлуксиз чизик) [3].

Энг кичик юклама шароитларида $U_{2\kappa}$ имкони борича U_h га яқин қийматгача камайтирилади. Бу ҳолатда K_{mp} нинг шундай стандарт қиймати танланиши лозимки, бунда қўйидаги шарт бажарилсин:


$$U_{2\kappa, \text{екиҷ}} \geq U_h$$

Энг кичик юкламалар ҳолатида $U_{2\kappa}$ ни 1,05-1,1 U_h га имкони борича яқинроқ қийматгача ортирилади. Бу ҳолатда K_{mp} нинг шундай стандарт қиймати танланиши лозимки, бунда қўйидаги шарт бажарилсин:



Lobachevsky
University





1-расм. Кучланишни қарама-қарши ростлаш:
a)- алмаштириш схемаси; б)- кучланишлар эпюраси.

$$U_{2\gamma} \text{ экам.} \geq (1,05 \div 1,1) U_h.$$

Шундай қилиб, таъминлаш марказидан узоқдаги В ва унга яқиндаги А нүкталардаги исьтемолчилардаги кучланишлар рухсат этилган чеграга киритилади. Энг катта ва энг кичик юклама ҳолатидаги бундай ростлашда кучланиш мос равища оширилади ва пасайтирилади. Шу сабабли бундай ростлаш қарама-қарши ростлаш деб аталади.[4]

Адабиётлар

1. Nabijonovich J. A. Renewable energy sources in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – S. 769-774.
2. Jumanov A. N. i dr. ELEKTR TARMOQLARDAGI ELEKTR ENERGIYA ISROFLARNI TUZILISHI //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4.
3. Mustafakulov A. A., Arzikulov F. F., Djumanov A. Ispolzovanie Alternativno‘x Istochnikov Energii V Gorno‘x Rayonax Djizakskoy Oblasti Uzbekistana //Internauka: elektron. nauchn. jurn. – 2020. – №. 41 (170).
4. Набижонович Ж. А. Реневабле энергий соурсес ин Узбекистан //АСАДЕМИСИА: Ан Интернатионал Мултидисциплинар Ресеарч Жоурнал. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С. 769-774.